# ТАРБИЯЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Маълумки, айни кунларда Мудофаа вазирлиги қисм ва бўлинмаларида взвод ва батальон командирларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари бўлиб хизмат қилишаётган бир гуруҳ офицерлар Тошкент умумқўшин қўмондонлари олий ҳарбий билим юртида қисқа муддатли малака ошириш курсида таҳсил олишяпти. Курсда тингловчи - тарбиячиларнинг ижтимоий-сиёсий билимларини янада оширишга катта эътибор қаратиляпти.

Яқинда малака ошириш курси тингловчилари билан «Ватанпарвар» газетаси ижодий ходимларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда газетанинг Бош муҳаррири полковник Ирисмуҳаммад Абдукаримов газетанинг босиб ўтган йўли, тарихи, ҳарбий журналистларнинг шахсий таркибни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, тезкор ахборот етказиш борасида амалга ошираётган ишлари тўғрисида гапирар экан, жумладан, шундай деди:

— Газета жуда катта машаққатли меҳнат эвазига дунёга келади. Биласизлар, «Ватанпарвар» ҳафтада уч марта чиқади. Бу ўз-ўзидан амалга ошадиган иш эмас. Янгилик топиш, уни ўқувчилар, яъни сизларнинг дидингизга мос қилиб етказиб бериш унчалик ҳам енгил иш эмас.

Ҳарқалай, Қуролли Кучларимиз тарихи, шахсий таркибнинг кундалик қайноқ фаолиятини, ҳарбий-техника янгиликларини, ҳарбий алоқаларни, Республикамизда ва чет элларда бўлаётган воқеаларни баҳоли қудрат тезкорлик билан сизларга етказиб беришга ҳаракат қиляпмиз.

Биз ҳеч қачон ўзимиздан, ишимиздан тўла қониқиб, хотиржамликка берилган эмасмиз. Тинмай изланяпмиз. Ишимизни янада такомиллаштириш борасида қўлимиздан келган чора-тадбирларни кўряпмиз.

Бизнинг ҳам қуролимиз сўз, сиз тарбиячиларнинг ҳам қуролингиз сўз. Келинглар, бу қуролдан шахсий таркибни тарбиялашда биргаликда унумли фойдаланайлик.

Газетанинг «Давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш» бўлимининг бошлиғи майор Абдураззоқ Обрўев тингловчиларга бўлимда амалга оширилаётган ишлар хусусида гапириб берди.

Тингловчилардан лейтенант Ниёзов, «газетада Офицерлар марказий саройида амалга оширилиши режалаштирилаётган тадбирлар, учрашувлар, концерт, кинофильмлар хусусида хабар бериб турилса яхши бўларди» деган таклиф билдирди.

Лейтенант Қўзиев эса «давомли материаллар берилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди», деган фикрни ўртага ташлади.

Капитан Ҳусаинов Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларини ўтказишда газета ўз саҳифаларида чоп этилаётган материаллари билан ўзларига катта ёрдам бераётганлигини мамнуният билан қайд этди.

Тингловчилар севимли газеталари ходимлари билан учрашув фойдадан холи бўлмаганлигини таъкидлашиб, газета фаолиятига янада муваффақиятлар тилашди.

Учрашув мулоқот, савол-жавоб тарзида ўтказилди.

**Майор А. БАЙРАМОВ.**

## БЕХАТО ОТИШ УЧУН

Вазифам — мўлжалга олувчи. Бизнинг танк экипажимиз яқинда бўлиб ўтган дала-ўқув машғулотида яхши натижаларга эришди. Айниқса, нишонга отиш машқида зафар қучдик. Бунда экипажимиздаги ўқловчи посбон оддий аскар Жавлон Мухторовнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди. Жавлон билан хизматнинг дастлабки кунлариданоқ дўст тутинганмиз. Армиядаги дўстлик мустаҳкам бўлади, деб эшитганман. Мана, орттирган дўстларим мисолида буни ҳис қиляпман.

Мавсум давомида жанговар қуроллар хусусида кўп маълумот олдим. Уларни қўллаш механизми билан танишдим. Ахир, мўлжалга бехато уриш учун жанговар қуролнинг имкониятларини яхшилаб ўрганиш керак-да. Бундан ташқари жисмоний тайёргарликлар жону дилим. Ҳар томонлама чиниқсак, соғлом бўламиз, жанговар топшириқларни муваффақиятли уддалаймиз. Яқинда яна полигонга чиқамиз. Бунга жиддий тайёргарлик кўраяпмиз. Экипажимиз аъзолари бу гал ҳам юксак кўрсаткичларга эришишга аҳд қилишган.

**Оддий аскар**
**Шавкат АЛИЕВ.**

● ПРОФЕССИОНАЛЛАРИМИЗ

# ШУНДАЙ ЎҒЛОНЛАРГА ТАЯНАМИЗ

Ваҳоб профессионаллик йўлини танлаб хато қилмаган экан. Гарчи у бугун ўзини алоқа илмининг устаси, деб ҳисобламаса-да, касбий маҳорати анча юксак. Муддатли ҳарбий хизматини ўтаётганида алоқачиликка қизиқди. Шу соҳада устоз-офицерлардан кўп нарсани ўрганди. Аммо у ўз устида тинимсиз ишлайдиганлар тоифасидан. Бир жойда қотиб қолишни хоҳламайди. Қолаверса, қизиқувчанлиги устун келиб, кўп нарсани билишни хоҳлайди. Ҳатто Конституциявий бурчини ўтаб юрганида, замонавий бир алоқа ускунаси ҳақида эшитиб қолиб, командирларидан у ҳақда кўп машғулотлар олишга ҳаракат қилган. Тўғри, ҳар сафар бу борада тўлақонли жавоб ололмасди. Шунда у сержантлар тайёрлаш мактаби хусусида эшитиб қолди. «Алоқачиларни ҳам тайёрлашадими?», сўради мазкур ҳарбий ўқув маскани хусусида сўз очган командиридан. Офицер унга «ҳа», дея жавоб бериб, бу борада бир оз маълумот берар экан, аскардаги ҳавасни илғади. Шу баҳона бўлдию муддатли ҳарбий хизмати ниҳоясига етган Ваҳоб Самарқанд сержантлар тайёрлаш мактабига йўл олди. Ўзи севган ихтисослик бўйича билим олишга имкон туғилганди. Йигит ўқув даври мобайнида амалий, назарий кўникмаларини бойитди. Ҳали махсус жиҳозланган ўқув хонасида, полигонда, ҳали тоғ шароитида алоқа мосламалари билан ишлади. Турлича радиостанцияларнинг техник тавсифини, имкониятларини яхшилаб ўрганди. Профессионалларни тайёрлаш мактабида унга катта лейтенант Жамшид Ражабов кўпроқ устозлик қилди.

— Тўғриси, сержантлар тайёрлаш мактабига боришдан аввал бир оз иккиландим ҳам. Ахир, алоқа илмини муддатли хизмат давомида озми-кўпми ўрганган бўлсам, мактаб яна нима бериши мумкин, дея. Аммо янглишган эканман. Бу даргоҳга ўқишга кириб билдимки, ҳали бу соҳада билганларимдан билмаганларим кўп экан, — дейди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ваҳоб Отақулов.

Яқинда посбонлар полигонда — дала-ўқув машғулотларида бўлиб қайтишди. Алоқа тармоғи бошлиғи капитан Суннат Асадов шогирди кичик сержант Отақуловга масъулиятли вазифа топширди. Бунга кўра, у радиостанцияларни зарядлаши, керакли частотага қўйиб бериши, уни алоқачи посбонлар қай даражада ишлатишини назорат этиши лозим. Бир сўз билан айтганда, Ваҳоб ишончни оқлади.

Яна бир гап. Суҳбатимиз давомида замонавий алоқа ускуналаридан ҳам сўз очилди. Ва мен профессионал ҳарбийнинг уларни қай даражада ўзлаштиришга эришганлиги билан қизиқдим. Маълум бўлишича, у Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округида яқинда бир гуруҳ алоқачилар билан бўладиган йиғинга боришга тайёрланаётган экан. «Ўша йиғинда бизга энг замонавий алоқа воситаларидан атрофлича сабоқлар берилади», деди кичик сержант.

Президентимизнинг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» номли китобида замонавий, профессионал армияни барпо этишда шу юртнинг сувини ичиб, тузини татиган, ватанпарвар фуқароларга таянишимиз ҳақида сўз боради. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти В. Отақулов каби ўғлонларни ҳақли равишда профессионал армия таянчлари, дея оламиз.

**Капитан**
**Алижон САФАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**



Бизнинг Қуролли Кучларимизда аскарларнинг жисмоний тарбиясига катта эътибор берилмоқда. Улар, эҳтимолдаги душман билан яккама-якка олишувда, албатта ғолиб бўлиши керак. Шунинг учун ҳам аскарларимиз қўл жанги спорт турини мукаммал эгаллашлари зарур.

Суратда: капитан Шавкат Ҳасанов қурол билан қўл жанги машғулотини ўргатмоқда.

Александр МРУЧАК суратга олган.

● ФИЗПОДГОТОВКА И СОВРЕМЕННЫЙ БОЙ

# КОГДА СПОРТ—В ПОЧЕТЕ

С утра в спортгородке части, где служит рядовой Содыкжон Абдукадыров, царило оживление. Здесь проходило контрольное занятие по физической подготовке. На экране успеваемости проставлялись показанные воинами результаты и тут же сравнивались с принятыми обязательствами. Показатели радовали командира подразделения офицера Абдукадыра Кушакова. Многие из подчиненных сдержали данное слово. Так, рядовой Эльер Султанов, у которого было лучшее время на полосе препятствий, отличился еще на кроссе и стометровке. На несколько секунд отстали от сослуживца рядовые Акбар Мусулмонов, Акбар Норматов, другие воины, которые все же уложились во временной норматив. Одним словом, воины подразделения обязательства по физподготовке выполнили.

Действительно, физическая подготовка личного состава подразделения находится на высоком уровне. За счет чего же солдаты и сержанты добились намеченного?

Здесь, пожалуй, нужно выделить несколько направлений, определяющих качество физической закалки воинов. Прежде всего, это совместная работа командира и активистов подразделения. Не случайно сержант по контракту Миржалол Нематов и младший сержант по контракту Назрулло Кулдашев пользуются в подразделении большим авторитетом. Они по-настоящему преданы спорту. Младшие командиры не только сами совершенствуются, но и заботятся о физической закалке своих товарищей. Можно без преувеличения сказать: успех воинов подразделения в спорте — это во многом результат их старательного труда и организаторских способностей.

В конце прошлого года в подразделение пришли молодые солдаты. Уровень физической подготовки у них был разным. Некоторые до призыва в армию занимались спортом нерегулярно и чувствовали себя на гимнастических снарядах неуверенно.

— Если хотите стать настоящими воинами, займитесь серьезно физической подготовкой и спортом, — сказал на одном из занятий в начале зимнего периода обучения сержант М. Нематов молодым воинам рядовым Хуршидбеку Жалололову, Акмалу Ахунову и Хусниддину Махмудову.

Новички зачастили в спортгородок. Видя их старательность, младшие командиры решили помочь сослуживцам.

Командир подразделения дал полезные советы, порекомендовал младшим командирам поговорить с активистами, выработать с ними конкретный план занятий с отстающими. В тот же день М. Нематов и Н. Кулдашев встретились с активистами. Посоветовавшись, они решили обсудить этот вопрос на собрании подразделения. На нем младшие командиры, спортсмены говорили о развертывании массовой работы, об оживлении деятельности секций, о помощи молодым воинам в успешном выполнении ими индивидуальных обязательств по физической подготовке.

Их поддержал командир подразделения. Главное — зажечь, воодушевить людей. И эта цель была достигнута. Здесь был составлен план спортивных мероприятий на зимний период обучения. За слабыми в физическом отношении солдатами закрепили более сильных, закаленных. Были определены виды спорта, по которым новички могли бы улучшить свои показатели.

Решили повысить и качество утренней физической зарядки. А в вечернее время организовали спортивные часы, больше внимания стали уделять тренировкам. И во всем пример показывали спорторганизаторы, активисты. Работая дружно, они оказывали конкретную помощь в физическом воспитании воинов.

По рекомендации активистов, младший сержант Н. Кулдашев в свободное от плановых занятий время тренировал рядовых Х. Жалолова, А. Ахунова и Х. Махмудова. На прошедшем контрольном занятии за январь эти воины продемонстрировали возросшее мастерство.

На одном из тактических занятий инициативно, умело действовали все воины этого подразделения. Воинский коллектив удостоился отличной оценки. И неслучайно. Когда бы ни выходили они в поле, всегда успешно выполняли любую задачу. Уже второй месяц личный состав добивается в соревновании высоких результатов. И большую роль в этом, несомненно, играет то, что здесь спорт в почете, что он приобрел поистине массовый характер.

**Майор**
**Хайритдин ЗАЙНИЛОВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**

